



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 18 ноябрь, № 245 (8588)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СУРХОНДАРЁНИНГ ЖУДА КАТТА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ, МАРД ВА МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИ БОР

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 16-17 ноябрь кунлари ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи кунги Термиз шаҳрида барпо этилган Ёшлар санат ва тадбиркорлик зонасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 апрелдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшлар санат ва тадбиркорлик зона-

лари ташкил этилмоқда. Бу уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юретишлари учун замин бўлмоқда.

Термиз шаҳрининг Тинчлик маҳалласи ҳудудида ҳам шундай шароит ташкил этилди. 2 гектар майдондаги биноларда жами 42 та лойиҳа жойлаштирилди. Улар қурилиш материаллари,

кимё ва нефть-кимё, мебелсозлик, озик-овқат, тўқимачилик санатига таллуқли. Биноларни харид қилиш, ускуналар олиб келиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари орқали ажратилади. Барча

корхоналар ишга тушгач, 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерда жойлаштирилган корхоналар махсулотларини кўздан кечирди. Улардан бири анор шарбатини қадоқлаб, қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. Яна бири кийим ва гилам тўқишни йўлга қўйиб,

хотин-қизларни иш билан таъминлаган.

Президент бундай санат зоналарини вилоятнинг ҳар бир туманида барпо этиш, маҳаллаларда ҳунармандчилик, касаначиликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Икки йиллик тажрибадан келиб чиқиб, Сурхондарёда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйи-

ча алоҳида қарор қабул қилиш, бунга 50 миллион доллар маблағ ажратилиши бўйича тақдир қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати суратлари.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўллашнинг кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб: бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга**;

базавий ҳисоблаш миқдори **3 фоизга** оширилсин.

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига **1 050 000 сўм**;

базавий ҳисоблаш миқдори — ойига **340 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **372 000 сўм**;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига **725 000 сўм**;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажига бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига **800 000 сўм**;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **800 000 сўм**;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига **3 527 000 сўм**;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига **800 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

иш стажига бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида қўшимча қувватларнинг яратилиши, ўқувчилар сони ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиши натижасида қўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган қўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўллаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин. Фармон ижросини муҳофизат қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 17 ноябрь

### «НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВА «НАВОЙУРАН» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!  
Сиз, азизларни Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилгани ва юртимизда уран санатига асос солинганнинг 65 йиллиги билан чин қалбимдан сийми тибриклиман.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бепоён Қизилқум бағридан қазиб олинган уран, дунё миқёсида юксак эътироф этилаётган олтин, табиий уран ва бошқа нодир қазилма бойликлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда беқиёс стратегик аҳамиятга эга экани барчамизга яхши маълум.

Шу маънода, 40 дан ортиқ миллиатга мансуб қарийб 50 минг нафар юқори малакали ишчи, муҳандис ва мутахассислар меҳнат қилаётган мазкур комбинат ва 3 йил олдин унинг таркибидан ажралиб чиққан «Навоийуран» корхонаси миллий санатимиз фаҳри, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Кейинги йилларда соҳа ривожига қаратилган улкан эътибор ҳамда ишлаб чиқаришга замонавий

технологиялар жадал жорий этилаётгани тўғрисида комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича етакчи хорижий компаниялар орасида 7-ўридан 4-ўринга кўтарилди. «Мурунгов» кони эса халқаро рейтингларда юқори погоналарни эгаллаб келмоқда.

Қисқа муддатда комбинатда 23 та йирик инвестиция лойиҳаси, жумладан, 5, 6 ва 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати ишга туширилиб, 15 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани диққатга сазовордир. Ана шундай сый-ҳаракатлар натижасида бу йил олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 25 фоиз, табиий уран 20 фоиз, кумуш эса 46 фоизга ошганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон уран қазиб олиш бўйича дунёда 5-ўрини эгаллаб турибди. «Навоийуран» давлат корхонаси ўз махсулотини юз фоиз экспортга йўналтирмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги қувватлар учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар ҳудуд-

нинг ўзидан ишлаб чиқарилмоқда. Биргина Навоий машинасозлик заводида йилга ўртача 15 минг турдан зиёд импорт ўрнини босадиган махсулотлар тайёрланаётгани буни тасдиқлайди.

Соҳа учун малакали муҳандис кадрлар етказиб бериш мақсадида Навоий давлат қончилиги ва технологиялар университетининг моддий-техника базаси ва илмий-педагогик салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Мураккаб технологик жараёнларни, асосан, ана шундай олийгоҳларимизда таълим олган азаму шижоатли ёшларимиз бошқараётгани барчамизни қувонтиради.

Ишчи ва хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Кўплаб қончиларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда. Бугунги байрам муносабати билан яна бир гуруҳ соҳа вакиллари фахрий унвон, ордан ва медалларга сазовор бўлдилар. Уларни ана шундай юксак мукофотлар билан чин дил-

дан табриклаб, келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.

Хурматли дўстлар!

Биз «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида ушбу соҳада ҳам кўплаб ишларни амалга оширишни режа қилганмиз. «Оқтов» қонини ўзлаштириш, кўплаб янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уран қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини уч баробар кўпайтириш шулар жумласидандир.

Ўз ҳаётини шундай муҳим соҳага бағишлаган сиз, азизлар жамоаларингиздаги шонли меҳнат анъаналарини муносиб давом эттириш, мамлакатимиз кон санати шухрати ни янада ошириш учун бундан буюн ҳам катта куч-ғайрат билан меҳнат қиласизлар, деб ишонаман.

Сизларни бугунги қўтлуғ айём билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олийжаноб фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Сана

### МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Байроқ — эркинлик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли ҳисобланади. Миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврида у Ватан рамизи сифатида муқаддас саналган.

Жонажон Ўзбекистонимиз байроғи дунёдаги энг чиройли ва кўркам байроқлардан бири, десак, айни ҳақиқат. Чунки у бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва асло кам бўлмаслигимизни ифода этади. Миллий тугъимизда руҳиятимиз, Ватанимиз ва халқимизга меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз муҳассам.

2

### ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИГА УЙҒУН ФАОЛИЯТ

Олмиш беш йил муқаддам Навоий кон-металлургия комбинатининг ташкил этилиши мамлакатимизда янги Навоий шаҳрига асос солинишига замин ҳозирлаган эди. Бугун навқирон ушбу шаҳар фараҳбахш тантаналар оғушида, десак, муболага эмас. Утган даврни тараққиёт нуқтаи назаридан шартли равишда 33 ва 32 йилга ажратсак, истиқлолимизнинг серхосият йиллари шаҳар ҳамда корхона ҳаётида муллола янги саҳифа очганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Зеро, барча жабҳа, соҳа ва тармоқларда янгилини ҳамда юксалиш тадбирлари инсон манфаатлари устуворлигига уйғун равишда кечиб, мамлакат раҳбариятининг истиқболли дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётди.

#### Эътироф

Берилган иқтисодий мустақиллик ва имкониятлар комбинатга халқаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда жажон ҳамжамиятининг индустриал ривожланган мамлакатлари ишбилармон доиралари эътирофига сазовор бўлиш, тенг манфаатли ҳамкорликларнинг ўрнатилишида бош оми бўлмоқда.

Том маънода, шонли сана комбинатнинг 65 йиллик тарихи учун ўзига хос сарҳисобки, эриш-шилган ютуқ ва истиқболдаги вазифалар тантаналар доирасида ташкил этилган халқаро кон-

ференциялар, илмий-амалий англо-жуманларда атрофлича муҳокама қилинди.

Байрамнинг расмий тантаналари муҳташам Фарҳод маданият саройида бўлиб ўтди. Вилоят фаоллари, ишлаб чиқариш илғорлари, қончилар, машинасозлар, меҳнат фахрийлари, олимлар, чет эллик меҳмонлар, шижоаткор ёшларни ўз бағрига олган ушбу қошона бу гал ҳар қақонгидан-да файзли ҳамда тароватли бўлди.

3



# СУРХОНДАРЁНИНГ ЖУДА КАТТА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ, МАРД ВА МЕҲНАТКАШ ХАЛҚИ БОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги тадбиркор ёшлар — Янги Ўзбекистон махсули. Уларнинг билими ҳам, интилиши ҳам янгирақ. Шунинг учун саноат зоналарини ёшларнинг ўзига бериш керак. Бу туманлар учун тайёр “лойиҳалар фабрикаси” бўлади. Мута-садиллар фақат корхоналарни инновацияга ўтказишга, бозорга чиқишга кўмаклашиши керак. Бунда асосийси — таннарх, сифат, рақобат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, бу вилоят ёшларининг спортга қобилияти зўрлиги, лекин улар шуғулланаётган спорт турлари чеклиб қолгани қайд этилди. Шу боис Сурхондарё ёшларини спортга жалб қилиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Бу мақсадларга 30 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. “Учқизил” сув омборида байдарка ва каноэда эшак эшиш базаси ташкил қилинади.

Бу ерда маҳаллий саноат маҳсулотлари намойиш этилди, инвестиция лойиҳалари тақдими ўтказилди. Сурхондарё вилоятида умумий қиймати 4 миллиард 600 миллион долларлик 82 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг 4 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. Энергетика, кимё, тоғ-кон, қурилиш материаллари, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларидаги бу лойиҳаларда қўшимча қийматли маҳсулотлар, ўн минглаб иш ўрни яратилади.

Термиз шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Худуд изчил ривожланмоқда. Олдинда режалар, имкониятлар ҳам кўп. Хусусан, 3 миллиард 300 миллион долларлик 4 та янги йирик саноат лойиҳаси шакл-лантирилган. Булар ҳисобига вилоят иқтисодийётига йилга 6,5 триллион сўм, бюджетига 1,6 триллион сўм, экспортга 100 миллион доллар қўшилади, 2 мингта юқори даромадли иш ўринлари очилади. Жумладан, Бойсундаги қарийб 3 миллиард долларлик газ-кимё мажмуасида йилга 5 миллиард куб метр газ тозаланиб, 6 триллион сўмлик табиий газ ва олтингургурт ишлаб чиқарилади. Вилоятга йилга ўртача 120 миллион долларлик экспорт тушуми қўшилади. Геология кидирув ишлари кенгайтирилиб, яна 100 мил-

лиард куб метр газ захиралари очилади. — Сурхондарёда жуда катта иқтисодий салоҳият, ер ости ва ер усти бойликлари, мард, меҳнаткаш халқи бор. Ҳозирча бу салоҳиятнинг ярмидан ҳам фойдаланилмапти. Шароит яратиб, иш ўрни, инвестиция, экспорт ва тушумни қарра-қарра ошириш лозим, — деди давлат раҳбари.

Шу боис келгуси йили вилоятда 1,5 миллиард доллар инвестиция олиб келиб, саноатда 12 триллион сўм маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 500 миллион долларга етказиб, 100 миллион доллар импортни қисқартириш вазифалари кўрсатиб ўтилди. 400 минг аҳолини банд қилиш вилоят ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси бўлиши кераклиги айтилди.

Вилоятга инвестиция жалб қилиш ва саноатни ривожлантиришда энг катта заҳира — бу мавжуд конларни ишга солиш экани таъкидланди.

Сариосиёда кўргошин, рух, олтин ва оқ мармар, Бойсун ва Сариосиёда кўмир, Шерободда калий ўғити захира-ларини ўзлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Тоғли худудларда геология-қидирув ишларини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Сурхондарё ўзининг табиий тупроқ-иқлим шароити билан эртаки маҳсулотларни етиштиришда биринчи ўринда бўлиши мумкин. Лекин ҳосилдорлиги юқори уруғ ва кўчат билан таъминлашда муаммолар бор. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 10 та туманда invitо лабораторияларини ташкил қилиш топширилди.

Келгуси йилда дала четларида қуришти ва саралаш ускуналари ҳамда 70 та кичик соватиклар ўрнатилади. 100 минг гектарда ичмам иссиқхоналар ташкил қилиб, барра пивё, брокколи, розмарин, руққола, қизил райхон, ялпиз каби экспортбон экинлар етиштирилади.

Ангор, Жаркўрган, Қумқўрган, Олтинсойда 6 та сақлаш, қуришти ва саралаш маркази, Термиз туманида Жанубий Корея билан бирга 500 миллион долларлик логистика хаби ташкил этилиши белгиланди.

Ингичка тонали гўза 15 фоизгача кам сув талаб қилади ва эрта пишиди. Шу боис бундай гўза навлари майдонини 50 минг гектаргача кенгайтириш, уни қайта ишлашни 30 фоизга етказиш, молекуляр генетика ва селекция бўйича қўшма лойиҳа ва замонавий лаборатория ташкил этишга топшириқ берилди.

Йиғилишда сув танқислиги муаммосига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Сурхондарёда 80 фоиз ерлар насос орқали сугорилади. Сув таннархи 2 баробар қimmatга тушяпти, йилга 20 миллион киловатт соат электр беҳуда сарфланыпти.

— “Сув текин эмас” деган гоғни аҳолига чуқур сингдириш, уни маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик билан бирга кундалик турмуш қоида-қоидага айлантириш лозим, — деди Президент.

Мутасаддиларга 47 та канални бетонлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш, сув йўқотилиши кўп бўлган 6 тасини таъмирлаш бўйича топшириқ берилди.

Вилоятнинг туризм салоҳияти ҳам юқори. Бу ерда 600 дан зиёд маданий мерос ва туризм манзиллари бор. Ҳозирда “Далварзентепа” ёдгорлигида очик осмон музейини ташкил қилиш бўйича иш бошланган.

Буни давом эттириб, Бойсундаги “Бойбулоқ”, “Тешиктош” ва “Мачай” горлари, Узундара қалъасини ҳам шундай музейларга айлантириш кераклиги таъкидланди. Шерободдаги “Хатак” гори ва Зарзавтсой қотажихо хорижий олимлар экспедицияси жалб этилади. Сангардак қаби яна 10 та маҳалла туризм қишлоғига айлантирилади.

“Омонхона” санаторийси таъмирланиб, қуввати кенгайтирилади. Яна битта янги санаторий ҳам қурилади. Бойсун, Олтинсой, Сариосиё ва Шерободда дор йўли, меҳмонхона ва савдо хизматларини ташкил қилиш бўйича 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Касалликларнинг олдини олиш учун ҳар бир маҳалла ва дорихоналарда фитобарлар ташкил қилиш, уй шароитида қилинадиган машқлар дастури ва соғлом овқатланиш менюсини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

“Бойсун”, “Шалола”, “Бойчечак”, “Булбули гўё” қаби бадий жамоаларнинг халқаро фестивалларда иштирок этишига кўмаклашиш, дoston ва термаларнинг “Олтин фонди” яратиш зарурлиги айтилди.

Сурхон ёшларини спортга жалб этишни кенгайтириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиниши белгиланди.

Йиғилиш давомида вазирлар ва ҳокимлар, зиёлилар, тадбиркорлар-

нинг фикр ва таклифлари эшитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Indenim Textile” кластерининг Термиз шаҳридаги тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Бу корхона 2019 йилда ишга туширилган бўлиб, унинг умумий қиймати 10 миллион доллардан зиёд. Германия, Япония, Туркия ва Хитой қаби давлатлардан келтирилган илғор технология ва ускуналар самарасида йилга 800 турдаги 9 миллион дона кийим-кечаклар ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Уларнинг бир қисми экспортга, асосий қисми ички бозорга — “Indenim” дўкнларига етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини, маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Юртимизда тўқимачилик хомашёси бор, маҳсулотлар сифати ҳам яхшиланиб борапти. Фақат бизда дизайн мактаби йўқ. Ҳозир дунёда услублар тез ўзгарапти. Кийим корхоналаримиз рақобатбардор бўлиши учун дизайн мактабини ривожлантириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мутахассисларни Италия қаби дизайн соҳаси тараққий этган мамлакатларга тажриба учун юбориш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, бозорни ўрганиш ва прогноزلантириш ҳамда тадбиркорларга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Корхонада мономарказ ташкил этилган, ишчилар аввал шу ерда ўқитилади. Бугунги кунда 800 нафар хотин-қизнинг топшириқ таъминланган.

“Indenim Textile” кластерининг пахта етиштириш ва қайта ишлаш, ип-калага тайёрлаш, кийим ишлаб чиқариш ҳамда сотиш занжири яратилган. Уларда жами 9 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётди.

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди. Келгусида мато тўқиш ва бўяш, кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳамда оширилади. Бунинг учун умумий 55 миллион доллар инвестиция йўналтирилади. Натижада яна 10 мингта янги иш ўрни яратилиши кутулкилади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Икром АБВАЛЛОВ,**  
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**  
**Ўза Мухбирлари.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ЭРКИНЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТИНЧЛИК РАМЗИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида “Давлат байроғи — миллий гурур, мустақиллик ва бирлик рамзи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилданоқ мамлакат суверенитетининг муҳим белгиси — Давлат байроғига эга бўлди. 1991 йил 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Байроқ суверенитетимизнинг рамзи ҳисобланиши, шу билан бирга, халқаро муносабатларда давлат тимсоли бўлиши мазкур Қонунда белгиланган бўлиб қўйилди.

Бугун байроғимиз фақат Ўзбекистон Республикаси давлат рамзи эмас, шу юртда туғилиб, шу заминнинг меҳридан қониб яшаётган барча эл-элатларнинг тинчлик ва аҳиллик тимсолига, қалбларни яқинлаштирадиган воситасига айланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва Ёшлар парламенти аъзолари мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда унинг барқарорлигида давлат рамзларининг алоҳида ўрни борлигини, хусусан, миллий байроғимиз давлат ва жамият ҳаёти, унинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ролини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ rassоми Акмал Нуриддинов давлат рамзлари, жумладан, давлат байроғини яратиш аслида мусаввир қаламига мансуб ижодий ишлигини, ўз ватанининг давлат байроғини яратиш ва унинг муаллифи бўлиш ижодкор учун улкан фахр, ифтихор эканини билдирди.

Утган йиллар давомида Давлат байроғи оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, 2023 йил 7 июль куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонунчиликдаги ўзгаришлар давлатимиз рамзлари элементларидан хусусий манфаат йўлида фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Асосийси, тарихий ва боқий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажак тимсоли бўлган давлатимиз байроғи ва гербига нисбатан ҳурматни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

«Халқ сўзи».

## Конференция

# ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АДИБ

Амалий ташриф билан Қирғиз Республикасида бўлиб турган Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги парламент делегацияси Бишкек шаҳрида Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этди.

Анжуманда улғу адиб ижодий меросининг аҳамияти, асарларида тараннум этилган юксак инсоний фазилатлар, унинг йирик жамоат арбоби сифатидаги фаолияти, турли халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги беқиёс хизматлари ҳақида мулохазалар билдирилди.

Хусусан, иштирокчилар Чингиз Айтматов ижоди, унинг бетакор асарлари қатор тилларга таржима қилингани, шу боис адибнинг кўплаб асарлари жаҳон адабиётининг энг сара намуналари қаторидан жой олгани ҳамда ёзувчи шахси ва унинг ижодий мероси хусусида сўз юритди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Ўзбек халқи буюк адибнинг Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини доимо ёдда сақлашини ва миннатдорлик ҳисси билан қайд этишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг қарори билан буюк ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги Ўзбекистонда адабиёт ва китобхонлик, дўстлик ва биродарлик байрами сифатида кенг нишонлангани, ёзувчи халқларимиз ўртасидаги тинчлик-тотувликни сақлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий адабиёт ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссасини алоҳида қайд этди.

«Халқ сўзи».

## Сенатор ва ҳаёт

# ОЛИС ТОҒ ҚИШЛОҒИГА ЭЛЕКТР КЕЛДИ

Ёдингизда бўлса, шу йилнинг август ойида сенатор Абдуғани Сангинов саяб-ҳаракатлари билан Сариосиё туманининг олис Вочақ қишлоғини электрлаштиришга қаришилганди.

Аслида бу ишлар апрель ойида сенатор томонидан туманда ўтказилган учрашувлар чоғида Вочақ қишлоғида истиқомат қилаётган 120 нафар аҳоли вакилларининг мурожаатидан сўнг бошлаб юборилган.

Утган вақт мобайнида махсус техникалар ва мутахассислар ёрдамида 100 тона те-

мир устун ва бир тона трансформатор ўрнатилади. Олиб борилган шу қаби самарали ишлар натижасида қишлоқ аҳолиси электр билан таъминланди. Айтиш жоизки, ушбу эзгу ишлар сенатор назоратида ҳомийлик асосида бажарилди.

«Халқ сўзи».

## Ишлаб чиқаришнинг

# Оқилона моделларига ўтиш — барқарор ривожланиш кафолати

Олий Мажлис Сенатида “Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш намуналарини таъминлаш: барқарор ривожланишнинг мажбурий талаби” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Давра суҳбати

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида йилга 7 млн. тонна маиший чикинди ҳосил бўлади. Бунинг атиги 1,8 млн. тоннаси қайта ишланса-да, қайта ишлаш улуши 21,9 фоиздан 26 фоизга ошган. Республикада ҳозирда 307 та қайта ишлаш корхонаси мавжуд бўлиб, чиқиндилардан 1,4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

2019 — 2021 йилларда аҳоли қон бошига 1-3 хавфли тоифадаги захарли ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳосил бўлиши 13,1 кг.дан 8,5 кг.гача камайди.

Ривожланиши энергия тежаш салоҳиятини рўёбга чиқариш чора-тадбирлари билан ҳамроҳ бўлган электр энергетика соҳасида самарадорлик кўрсаткичларини ошириш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг электроэнергетика секторида оқилона ишлаб чиқариш моделини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ва электр энергияси ишлаб чиқаришнинг солиштирма харажатларини камайитириш

ассосида энергия қувватларини диверсификация қилиш вазифалари аста-секин хал қилинмоқда.

Давра суҳбатига барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш шаклларига ўтиш, кимёвий моддалар ва бошқа чиқиндилардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг атропо-муҳитга чиқилиши камайитириш бўйича Ўн йиллик ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, давлат харидларида экологик стандартларни қўллаш кенгайтириш, туризмининг барқарор ривожлантириш, казиб олинмаган ёқилғини оқилона фойдаланиш ва аҳолини тегишли маълумотлар билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу жараёнда барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш моделларига ўтишни таъминлаш, чиқинди-ларга ўтказилиши ҳамда унинг инсон саломатлиги ва атропо-муҳитга салбий таъсирини камайитириш, бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

«Халқ сўзи».

## ҚИЗҒИН СУҲБАТЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Бухоро шаҳридаги 42-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби Жанубий Корея таълим муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу ерда салкам беш йилдирки, ўқувчиларга корейс тилидан ҳам сабоқ берилади. Бунда Тошкентдаги корейс тилини ўрганиш марказининг кўмаги катта.

## Билимлар алмашинуви

Билим маскани раҳбарияти шу марказ ёрдамида Жанубий Кореянинг Тегу шаҳридаги рақамли технологияларга ихтисослаштирилган юқори таълим мактаби билан меморандум имзолаган эди. Яқинда шу келишув доирасида мактаб директори Ҳалима Нуруллаева ва корейс тили ўқувчиси Умида Назарова етакчилигидаги бир гуруҳ ўқувчилар ушбу хорижий давлатда бўлиб қайтишди.

— Ўн йил кун Корея Республикасида бўлиб, катта таассуротлар билан қайтдик, — дейди муаллими Умида Назарова. — Тегу шаҳридаги юқори таълим мактабининг ўзида кичик инновацион фабрика ташкил этилган. Бу ерда ўқувчилар ўз гоғлари асосида чиқиндидан тамоман бошқа бир маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланишди. Тайёр буюмни эса онлайн усулда сотишади. Уларга тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи ташкилотлар яқиндан кўмаклашади. Шу тариқа ўқувчи креатив фикрлаш сари йўналтирилади. Қолаверса, иктирочилик қўбилияти бор ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ҳам яратилган.

Сафар давомида бухоролик ўқувчилар машғулотларда иштирок этди, корейс тилида сўзлашиш қобилиятларини ривожлантирди. Сунчон, Сеул, Пусан қаби шаҳарларда бўлиб, инновацион фестивалларда қатнашди. Миллий маданиятимиз, урф-одатларимизни тарғиб этди.

Келгуси йилнинг баҳорида Тегу юқори таълим мактаби вакилларининг Бухорога келиши қўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

## МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Албатта, дунёда давлат байроқлари кўп, лекин биз учун улар орасида Ўзбекистон байроғи энг кўркам ва чиройлиси. Негаки, у қалбимиз, руҳимизга туташди. Ундаги ҳар бир ранг ва тасвирда олам-олам маънолар муҳасамас. Масалан, байроқдаги навқирон ярим ой тасвири миллий-тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ, 12 юлдуз тасвирида ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши ифода этилган.

Маълумки, 1991 йил 18 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1992 йил 2 мартда Эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотидега Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Бугун у давлатимиз мустақиллигининг жаҳоний ифодаси, халқимиз фахри, ифтихори, орзу-умидининг рамзи бўлиб хилпираб турибди.

Давлат байроғи мамлакатимиз суверенитетининг рамзи бўлиб, унда миллий давлатчилигимиз, мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш борасидаги эзгу гоғимиз, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, орзу-мақсад ва интилишларимиз, ор-номусимиз ақс этган.

Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурурини ёрқин ақс эттирмоқда. Масалан, халқаро спорт беллашувларида ғалаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзада ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимиздан фахрланамиз.

Мағрур хилпирётган байроғимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, қут-барака, биз зришаётган бемисл утуқлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди.

Бугун Ватанимиз байроғи озод юрт узра хилпирмоқда. У бизни юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида бирлаштириб, мамлакатимиз мустақиллигини ҳаммиша кўз қорачиғидек асрашга, буюк аждодларга муносиб во-

рис бўлишга, юксак ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга давлат этиб турибди.

Ҳар сафар муқаддас байроғимизга боқиб, ўтмишию келажак буюк, осмон мусаффо, қалби пок, беғубор, бағрикенг, вужуддан ҳаётий қудрат уфуриб турган ҳаммиша навқирон, озод халқимизнинг улугвор чекрасини, аждодларимиз заковатидан куч олган буюк давлат қудратини ҳис этамиз.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жорий йил 7 июль куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида давлат байроғидан фойдаланиш тартиби янада соддалаштирилди ҳамда қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

Хусусан, спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия, маданий ва оммавий тадбирларда, оилавий байрамларда, хотиравий саналарни байрам қилишда ҳамда бошқа ҳолларда Давлат байроғидан фойдаланишга рухсат берилди.

Давлат рамзига ҳурмат билан муомала қилган ҳолда ундан ва унинг тасвири туширилган белгилардан жамоат жойлари ва биноларда, яшаш ёки иш жойларида ҳамда уларга туташ бўлган худудларда, транспорт воситаларининг салоинида фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Давлат органларининг рамзларида ва уларнинг расмий веб-сайтларида Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси ҳамда байроқ тасвирини устки кийимга безатиш мақсадида ақс эттириш имконияти яратилди.

Ушбу ўзгаришлардан кейин фуқаролар байроғимизга ҳурмат сақлаган ҳолда ундан ўз хонадонларида, иш жойларида эркин фойдаланиши мумкин бўлди.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат Давлат байроғидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга, ҳар бир инсон онгу шурига Ватанимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини сингдиришга хизмат қилади.

Абдумалик АКРОМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



# ЎЗБЕКISTON – ИТАЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланнинг 9 – 11 ноябрь кунлари расмий таширф билан мамлакатимизда бўлиши икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги узоқ йиллик алоқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу давлатга шу йилнинг 7 – 9 июнь кунлари амалга оширган таширфи чоғида сифат жиҳатидан янги босқичга, стратегик шериклик даражасига кўтарилган эди.

## Нуктаи назар

Мазкур таширф доирасида давлат раҳбарлари хузурида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 11 та давлатлараро, ҳуқуқматлараро ва идоралараро ҳужжатни алмасиш маросими бўлиб ўтди. Хусусан, ҳуқуқий масалаларда, саноат мулк ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидан. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги билан Италия савдо агентлиги ўртасида реставрация соҳасида, Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ва Италия Республикаси маданият вазирлиги ўртасида маданий соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар, таъқи ишлар вазирликлари ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда 2026 йилга қадар маданий алмашинувлар дастури қабул қилинди.

Италияда ўтказилган бизнес-форум довомида жами 9 миллиард евродан зиёд қийматга эга инвестициявий битимлар ва савдо шартномалари имзоланди. Амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олиб, томонлар технологик ва инновацион шериклик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суришга келишиб олишди.

Ҳеч муболагасиз, ушбу тарихий келишувлар Ўзбекистон — Италия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришда янги муҳим даврнинг бошланиши бўлди, десак, муболага эмас.

## Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Айтиш жоизки, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томон учун ҳам манфаатли бўлган асосий йўналишлардан биридир. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳақида кейинги йилларда икки баробар кўпайгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони икки баробар кўпайди. Ўртимизда Италиянинг "Pietro Fiorentini", "Terranova", "Danieli", "Imagro", "Ansaldo", "Saipem" каби етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Италия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини қарор топтириш ва мустақамлашга қаратилган сиёсатига юксак баҳо бермоқда. Мамлакат Бош вазири Жоржа Мелони хоним Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустақамлаш борасидаги саяё-харакатларини қўллаб-қувватлаб, "Италия — Марказий Осиё" ҳамкорлик форматини янада ривожлантиришга қачиргани беҳиз эмас. Зеро, бу формат расмий Римнинг

минтақа давлатларига яхлит организм сифатида қараётгани ва бу ерда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик таъминлашидан манфаатдорлигини намойиш этади.

Дарҳақиқат, италиялик ҳамкорлар мамлакатда демократик институтларни мустақамлаш, иқтисодийни либераллаштириш, иқтисодийни либераллаштириш борасида олиб борилаётган ишчи сиёсатни юксак баҳолайди. Хусусан, Италиянинг "Vision & Global Trends" халқаро глобал таҳлил институтининг раҳбари Тиберио Трациани фикрича, ўтказилаётган тўб ислохотлар ва қабул қилинган янгиликлар Конституциядан куч олган Ўзбекистон ўзининг кўп томонлама сиёсатини, хусусан, иқтисодий ва молия соҳаларида ишчилик билан ривожлантиришга жиддий интиломоқда. Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақаси ва Европа ўртасидаги ҳамкорлик нуктаи назаридан муҳим давлат ҳисобланади, Италия эса бу жараёнда асосий иштирокчилардан бири саналади. У технологиялар тақдим этиш ва иқтисодий барқарорликка йўналтирилган сиёсатни рўйбга чикариш имкониятларини тақлиф этади.

Маълумки, Италия Ўзбекистон Республикасининг мустақилигини 1992 йилнинг 10 январидан тан олган ва 24 марта дипломатик муносабатлар ўрнатган. Айни пайтда Тошкентда Италия элчихонаси, Римда эса Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси фаолият юритмоқда. 2005 йилда Италия парламенти ташаббуси билан Италия — Ўзбекистон Дўстлик ва ҳамкорлик Ассоциацияси ташкил этилди. 2011 йил 22 декабрдан бошлаб Олий Мажлисда "Ўзбекистон — Италия" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи иш бошлади. Икки мамлакат таъқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. 2021 йил 8 декабрь кунин Тошкентда "Италия — Марказий Осиё" шаклидаги иккинчи вазирлар конференцияси бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Италия ўртасида иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик бўйича "ақл марказлари" алоқаларининг фаолалиши икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш учун "ғоялар генератори" бўлиши мумкин. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Италия халқаро ташкилотлар жамяти ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзолангани эътиборга молик.

## Ўзаро муносабатлар ривожланиш тенденциялари

Италия — Ўзбекистон муносабатларидаги жадал ўсиш ва ишчи ривожланиш тенденцияларини куйидаги рақамларда ҳам кўрсат бўлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айланиши 2017 йилда 179,7 млн. АҚШ долларини ташкил

этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 429,8 млн. АҚШ долларига етган. 2022 йил якунига кўра ўзаро савдо ҳажми 32 фоизга ўсиб, 535,4 миллион еврога етди ва бу Италияни Ўзбекистоннинг Европадаги учинчи йирик савдо ҳамкорига айлантирди.

Экспорт таркибига, асосан, мато ва иплар, пахта ва қуритилган мевалар, хизматлар қиради. Импорт номенклатураси механик ва электр жиҳозлари, автомобиль қисмлари, пластмасса буюмлари, фармацевтика ва тўқимачилик маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш материалларидан иборат. Ўзбекистонда Италия капитални иштирокида 50 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 14 тасида Италия капитални 100 фоизини ташкил этади. Асосий фаолият соҳалари — алко-голиз ичимликлар, шароб, шима фурнитураси, парфюмерия маҳсулотлари, музқаймоқ, трикотаж маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, пахта чиқиндиларини қайта ишлаш, савдо ва савдо-воситачилик хизматлари.

Италия бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортмоқда. Кейинги йилларда республикада Италия капитални иштирокида қончилик, металлургия, нефть-кимё ва электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби янги соҳаларни қамраб олган корхоналар сони икки баробар ошди. На-



**Италия — Жанубий Европада, Ўрта ер денгизидеги Апеннин яриморлида жойлашган. Европа Иттифоқи, НАТО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, "Катта еттилик", "Катта йигирмалик" аъзоси сифатида дунё сиёсатида катта таъсирга эга қудратли мамлакатлардан бири. Яқри ички маҳсулоты 2 триллион доллардан ортққ бўлиб, юлқи технологиялари, хизмат кўрсатиш, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида катта таърибга эга.**

**Шунингдек, Италия жаҳон цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири, умуминсоний маданий мерос маркази, мумтоз рассон ва шоирларнинг бир неча авлоди учун илҳом манбаи бўлган бетакор юртидир.**

тижада сўнги тўрт йилда ўзлаштирилган Италия инвестициялари ҳақида етти баравар кўпайиб, 7,1 миллион доллардан 49,6 миллион долларга етди. Кейинги бир неча йилда ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми икки баробар ошди. Айни пайтда энергетика, жумладан, қайта тикланувчи энергетика, логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалий ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, икки томонлама муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорликни, жумладан, "Италия — Марказий Осиё" вазирлар учрашувлари форматида ва халқаро ташкилотлар доирасида мустақамлаб бориш зарур. Савдо-иқтисодий йўналишда Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари тармоғи ва бошқа соҳаларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, умумий қиймати қарийб 5 миллиард долларлик истиқболли қўшма лойиҳалар портфели тайёрланмоқда.

Ўзбекистон ва Италия маданият, туризм, таълим соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам катта салоҳиятга эга. Кетма-кет уч йилдирки, Ўзбекистон Венециядаги Халқаро Биенналеда фаол иштирок этиб келмоқда. Йил бошидан мамлакатимизга келаётган италиялик сайёҳлар сони эса 5 баробар кўпайган. Бунда жорий йил апрель ойидан бошлаб Тошкент ва Милан ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда.

## Дўстлик ва ишонч асосига қурилган шериклик

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик 1997 йилда имзоланган маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқмат-

лараро битим асосида амалга оширилди. 1998 йил 15 сентябрдан Тошкентда "Ўзбекистон — Италия" Дўстлик жамяти фаолият кўрсатмоқда. 2014 йил декабрь ойида Италияда кураш миллий ассоциациясининг ташкил этилиши ва 2015 йилнинг апрель ойида биринчи конференциясининг ўтказилиши спорт соҳасидаги ҳамкорлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Италия вакиллари мунта-

лараро битим асосида амалга оширилди. 1998 йил 15 сентябрдан Тошкентда "Ўзбекистон — Италия" Дўстлик жамяти фаолият кўрсатмоқда. 2014 йил декабрь ойида Италияда кураш миллий ассоциациясининг ташкил этилиши ва 2015 йилнинг апрель ойида биринчи конференциясининг ўтказилиши спорт соҳасидаги ҳамкорлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида Италия вакиллари мунта-



зам иштирок этиб келмоқда. 2019 йил 25 март кунин 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳуқуқматлараро Маданий ҳамкорлик дастури имзоланган бўлиб, унда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, талабалар ва абитуриентларнинг грантлардан ўзаро фойдаланиши, шунингдек, туризм, маданият ва санъат, спорт, археология, маданий мерос объектларини реставрация қилиш, сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида мунтазам алмасишувлар, архивлар, кутубхоналар ва нашриётлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Айниқса, таълим борасида амалга оширилаётган ҳамкорлик алоқалари кенг қамровли. Айни пайтда мамлакатимизда Италиянинг энг нуфузли олий таълим даргоҳлари — Турин ва Пиза университетларининг филиаллари мавжуд. Шу йилнинг январидан эса Ўзбекистоннинг Римдаги элчихонасида Тошкент кимё халқаро университети (KIUT) ва Италиянинг Европа дизайн университети (Universita Egoorea Del Design (UED) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат доирасида KIUT ва UED ўртасида таълим соҳасида ўқув дастурларини амалга ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмасишувини йўлга қўйиш, график ва интеръер дизайн мутахассисликлари Тошкент кимё халқаро университетида қўшма таълим дастурлари сифатида оқиб сингари ўзаро ҳамкорлик қирралари назарда тутилган.

Ўзбекистон Президенти томонидан дизайн ва мода саноатини ривожлантириш ҳамда дунё бозорида рақобатбардош бўла оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўйилган қатор вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Европа дизайн университети кўмағида Тошкент кимё халқаро университетида ушбу йўналишни ривожлантириш режалаштирилган. Университетнинг мода ва дизайн таълимига ихтисослашган ходим ва ўқитувчилари "Gucci", "Prada", "Roberto Cavalli", "Fendi" ва бошқа дунёга машҳур компанияларда дизайнер сифатида ҳам фаолият юритишлари. Шу билан бирга, мазкур компаниялар билан ҳамкорликда янги маҳсулотлар, ишланмалар ва технологиялар яратиш билан шуғулланишди.

Хозирги кунда фаолияти йўлга қўйилган олий ўқув юртлири филиаллари қаторида яқин орада Бунор шаҳрида Луиджи Ванвители номидаги Кампания университети филиали (2023-2024 йиллар, архитектура, муҳандислик, тиббиёт), "Italian Universities Campus" (Италия уни-

верситетлари кампуси, 2024 йилдан бошлаб) фаолият кўрсата бошлаши режалаштирилган.

Айтиш жоизки, Италия Президентининг юртимизга таширфи мубайнида эришилган келишувлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, бизнес учун қулай шартлар яратишга, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришнинг мослашувчан механизмларини жорий этишга, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Боз устига, Италия ишбилармонлари энергетика, газ-кимё ва нефть-газ тармоғи, металлургия, кимё, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалигида катта кооперация лойиҳаларини амалга оширишга тайёр.

Жаҳон иқтисодиётидаги жиддий тебранишлар ва глобал етказиб бериш занжирлари бўлишини шартотида ишонч ва хурмат таъминлашга асосланган конструктив, очиқ мулоқот ҳар доимидан ҳам муҳим. Ўзбекистон Италия бизнесига юртимизда фаолият юритиши учун кенг қўллаб-қувватлаш чоралари ва самарали майдон тақдим этмоқда.

Дарвоқе, бугун юртимизда ҳар қандай мамлакат бизнеси ривожини учун барча шароит яратилган. Барқарорлик, ишончли қафолатлар, қулай инвестиция муҳити таъминланган. Ўзбекистоннинг бий табиий ресурслари ва малакали кадрларини Италиянинг технологик ва саноат салоҳияти билан бирлаштиришдан ҳосил бўладиган синергия қўйилган қийматли маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқариш, уларни ўқинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш имконини беради. Шу маънода, энергетика, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, кимё, автомобилсозлик, электротехника ва қўллаб бошқа соҳалар ҳамкорлик учун истиқболли.

Италия тadbirkor ва сармоядорларида Ўзбекистонда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, бунда юқори технологиялар ва инновацион ечимларни жорий қилиш бўйича аниқ тақлиф ва режалар мавжуд. Масалан, давлатимиз раҳбари таширф буюрган Ломбардия вилояти билан худудлараро ҳамкорлик дастурларини кенгайтириш, Ўзбекистонда газ тақсимоти тизимини ва Тошкент шаҳрида электр тақсимот тармоқларини модернизация қилиш, Тошкент исиқлик электр станциясини технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бир қатор заводлар қуриш, жумладан, чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш, калий хлорини тозалаш, калий гидроксиди, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, заъфарон плантацияларини кенгайтириш, "Ўзметкомбинат" АЖ ишлаб чиқариш қувватини ошириш, Турин политехника университети билан биргаликда Италия технология ва инновациялари марказини ташкил этиш ва бошқа лойиҳалар устида иш олиб бориляпти.

Мухтарам айтганда, Ўзбекистон ҳам, Италия ҳам ўзаро самарали муносабатларни юксак қадрлайди. Мамлакатимизда ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

**Тўлқин ТЕШАБОВЕ,**  
**Тошкент молия институти ректори,**  
**иқтисодийёт фанлари доктори,**  
**профессор.**

## Умуммиллий ҳаракат

### СЕНАТОР БОШЧИЛИГИДА 500 МИНГГА ЯҚИН КЎЧАТЛАР ЎТҚАЗИЛДИ

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида чикинди полигонлари атрофида ва йирик саноат корхоналари худудида "Яшил белбoғ" яратиш, дала четларида, барча корхона, ташкилот ва муассасалар худудида кўчатлар экиш зарурлиги таъкидланган эди.

Шу муносабат билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказилаётган кўка-

ламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам ўзлари-

### ҲАМЖИХАТЛИК МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎБЕГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатылари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида пойтахтимиздаги илҳимий соҳа объектлари, хусусан, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари ва маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек, Яккасарой, Сергели, Юнусобод, Миробод туманлари аҳолиси билан мулоқотлар чоғида кейинги йилларда мамлакатимизда илҳимий-сиёсий, иқтисодий, маърифий-маънавий, тиббий ва экологик соҳаларда амалга оширилаётган саяё-харақатлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсадлар ижроси, шунингдек, парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ҳамда бугунги кунда пойтахтимизда рўйбга чиқарилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Кенг жамоатчилик вакиллари билан мулоқотларда кўп саволлар яқинда қуйи палатада қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтқизиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ҳақида бўлди, — дей-

нинг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Абдулло Хурсанов бошчилигида Олмалик кон-металлургия комбинатида дарахт кўчатларини экиш акцияси ташкил этилди. Муҳими, шу жараёнда 68 гектар майдонга 476 минг туپ турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шундан сўнг кўп йиллик самарали ҳамда фидойи меҳнатлари учун давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, Ватаниннг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ, "Навоийуран" ДК, "НКМК жамгармаси" ДМ геолог ҳамда муҳандислари, ишчи-хизматчилари ва ходимларига муқофотлар тантанали равишда топширилди.

Юлдаш Ганиев, «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамятининг Марказий кон бошқармаси марказий таъмирлаш-механика цехи бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими: — 31 йилдан буён комбинат тизимлида меҳнат қиламан. Кейинги йилларда мамлакатимизда жуда кўпга ислохотлар амалга оширилди. Шу жиҳатдан ўтган йил самарасига биргина корхонамиз мисолда назар солсак, асрларга татиғулик янгилинишларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мен меҳнат қилаётган Марказий кон бошқармаси ҳиссасига комбинат ишлаб чиқариш қувватининг катта қисми тўғри келади. Бошқармамиз таркибиде йирик инвестицион лойиҳалар асосида янги заводларнинг қурилиши унинг қувватини янада оширди.

Чунончи, замонавий технологиялар асосланган 5- ва 7-гидро-металлургия заводлари, 2-гидро-металлургия заводининг йилга 12 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга иккинчи навбати фойдаланишга топширилгани ҳамда "Мурунгов" қонида олиб

«Халқ сўзи».

## Сўз — тadbир иштирокчилирига

Юлдаш ГАНИЕВ,  
«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамятининг Марказий кон бошқармаси марказий таъмирлаш-механика цехи бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими:

— 31 йилдан буён комбинат тизимлида меҳнат қиламан. Кейинги йилларда мамлакатимизда жуда кўпга ислохотлар амалга оширилди. Шу жиҳатдан ўтган йил самарасига биргина корхонамиз мисолда назар солсак, асрларга татиғулик янгилинишларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мен меҳнат қилаётган Марказий кон бошқармаси ҳиссасига комбинат ишлаб чиқариш қувватининг катта қисми тўғри келади. Бошқармамиз таркибиде йирик инвестицион лойиҳалар асосида янги заводларнинг қурилиши унинг қувватини янада оширди.

Чунончи, замонавий технологиялар асосланган 5- ва 7-гидро-металлургия заводлари, 2-гидро-металлургия заводининг йилга 12 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга иккинчи навбати фойдаланишга топширилгани ҳамда "Мурунгов" қонида олиб

«Халқ сўзи».

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИГА УЙҒУН ФАОЛИЯТ



## Сўз — тadbир иштирокчилирига

борилаётган ишлар бунга яққол мисолдир. 2017 йилнинг март ойида Президентимиз Навоий вилоятига таширфи чоғида истиқболли лойиҳалардан бири — "Амунозо-Аманто" қони неғизиде 5-гидрометаллургия заводини барпо этишга старт берган эди. Комбинат қурувчи ва мутахассислари саяё-харақати билан мазкур завод муддатидан олдин, гоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Айни пайтда кислородли-оҳали ишлов бериш технологиясини қўллаш орқали ушбу заводда йилга 5 миллион тонна руда қайта ишланмоқда.

Малакали мутахассислар билан бир сафда ёшлар замонавий технологияларни маҳорат билан бошқармоқда. Иланиш ҳамда интилишларимиз натижасида эришилётган ютуқлар ҳали марра эмас. Шу маънода, мен бугунги муқофотни эътироф билан бирга, юксак ишонч ва масъулият, дера қабул қилдим.

**Хайрулла АХАДОВ,**  
**«Навоийуран» давлат корхонаси бош геологи,**  
**«Дўстлик» ордени соҳибни:**  
— Қончи ҳамда геологлар олди-га қўйган вазифалар ниҳоятда

ҳақида кўтлов ҳамда ифтихор дилларга олам-олам ғурур хисларини жо айлади, десак, асло муболага эмас.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармониға биноан юксак муқофот билан тақдирланганим менга жуда катта хурсандчилик бахш этди. Албатта, биз, қончилар вазифамизга янада масъулият билан ёндашиб, юртимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишда давом этаверамиз.

**Мая ЦОЙ,**  
**«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамятининг Шимолий кон бошқармаси бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи, «Дўстлик» ордени соҳибни:**

— Комбинат тизимига ишга кирганимга қирқ йилдан ошди. Бу бугун нишонланаётган сананинг ярмидан қўпини ташкил этади. Шу ўтган даврда корхонамиз йилдан-йилга қувватларини ошириш билан бирга, илҳимий соҳада ҳам қатор ютуқларни қўлга киритди.

Мен меҳнат қилаётган бошқарма Учқудуқ шаҳри — Қизилқум шимолида жойлашган. Мамлакатимиз раҳбарининг ғамхўрлиғи тудайли қўннинг инжиқ табияти, ёзининг жазирамасио қишининг рутубатини ҳис этмаймиз. Фарзандларимиз учун мактаб, мактабга таълим муассасалари, спорт ҳамда маданият саройлари, истироҳат боғлари қурилмоқда.

Қисқача айтганда, инсон манфаатлари устувор тутилди, ҳар қадамда буни ҳис этамиз. Ватанимизнинг юксак муқофоти билан тақдирланганим Қизилқум кенгликларида меҳнат қилаётган ҳар бир юртодошимиз захматига берилган юксак ишонч, деб қабул қиламан. Албатта, бу эътибор жамоамиз олдиға қўйилган вазифаларни удаллашда биз, қончиларга қанот бўлади.

**Темур ЭШБОВЕ,**  
**Азамат ЗАРИПОВ**  
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**



# ХАВФСИЗ КЕЛАЖАК, СОҒЛОМ САЙЁРА — ДУНЁ БОЛАЛАРИГА

## ИБРАТ КИТОБИ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Темур Ширинов қўлимга мансуб "Умид ила... интилдим" китобини қўлимга олдим у киши қолдим, қўймай икки кунда ўқиб чиқдим. Ундаги воқеалар мени ўзига гўё оҳанрабодек тортиб кетди...

### Мутолаа



"Етти отамни суриштирсам, барчаси оддий одамлар..." деб ёзади муаллиф. Ана шу "оддий одамлар"нинг ўғли Темур Ширинов бугун етук қадимшунос, тарих фанлари доктори, профессор, халқроқ даражада эътирофларга сазовор бўлган олим. "Умид ила... интилдим" китобининг тили содда ва халқчи. Муаллиф чинакам ёзувчи, адибдай эркин қалам тебратди. У гўё ўқувчи билан самимий суҳбат олиб боради. Китоб мароқ билан, бамисли романдек ўқилади, ўқувчини зериктирмайди. Бу улкан ҳаётий материални, ипнинг учини йўқотмай, тартиби билан жамлаш, ҳар бир воқеани ўз ўрнида меъёрда қозоғга тушириш, бир-бирини тўлдириб бориш ва натижада яхлитлик, бутунликка эришиш учун муаллифдан синчковлик, катта ижодкорлик салоҳияти талаб қилинади.

Муаллиф бир бобда "...рост гапларни ёзим" дея эътироф этади ва китобда шу тамойилга амал қилади, ҳар кимларга (жумладан, яқин қариндош-уруғларга) нисбатан қаттиқ ботадиган гапларни ростлик йўлини тугиб, юмшоқлик билан айтиб ўтади.

Бу ерда муаллиф муҳим ва нозик масалани тилга олади: "Самарқандда бир оила вақиллари, — деб ёзади у, — ўз шажараларини ота томонидан Маҳдуми Аъзам, она томонидан Хожа Аҳрор Валий ҳазратларига бориб тақалади, деган катта даъво билан чиқдилар. Қибраниш, каттазанглик пайдо бўлди... Улар ўзларига алоҳида ҳурмат-эътибор талаб қила бошладилар..."

Олим бундай носоғлом жараён миллатнинг бир неча ижтимоий қатламларга бўлиниб кетишига, синфлашуви-га, табақаланишига олиб келиши ҳақида тўри мулоҳазалар юритади. Унинг миллатимизда аримас дардлардан бўлиб келаётган ҳафли "маҳаллийчилик" гоёлар ҳақида билдирган фикрлари ниҳоятда долзарб. Бизларда ибрат бор: нега соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти қилиб она шаҳри Шаҳрисабзни танламади, балки Самарқандни салтанатнинг бош шаҳрига айлантирди? Шу йўсунда у маҳаллийчиликка йўл бермади-ку! Бу миллатни, юрт тақдирини теран ўйлашга ёрқин мисол.

Ҳаётда йўллар кўп. Форшнинг кичкинагина, тоғ бағридаги адирликда жойлашган, булоқ сувининг ҳамшиша тўрттагина қамиш ўсиб турадиган халқоқ ерида, шундан номи "Қамиш" бўлиб кетган қишлоққа, оддий оилада туғилиб ўсган Темур Ширинов тиниб-тинчимай, зврилик-чеврилиб ҳаётда тўғри ва адолатли йўл тутганидан шундай муваффақиятларга эришди. Албатта, барининг манбаи — изланиш, меҳнат, яна меҳнат...

Тўғри ва адолатли йўл қайси? Бу — ҳалол меҳнат қилиш, оғринмай тер тўқиш, ўрганиш, изланиш, бировга ёрдам бериш, зинҳор халал бермаслик, мутоҳтани қўлаш, халқи, миллати, Ватани, унинг буюк тарихи билан фахрланиш тўғрисида.

"1994 йили Парижда хизмат сафарига эдим, — деб ёзади олим. — Шаҳарнинг Фонтенуа майдонида жойлашган ЮНЕСКО қароргоҳига боришга тўғри келди. Майдонда дунёнинг юзлаб мамлакатлари байроқлари осылган. Табиийки, мен, ҳаяжон билан улғур қаторида юртимиз байроғини қидирдим. Байроқлар тизиг жойлаштирилгани боис уларни фарқлаш қийин эди. Шамол йўқ, байроғимизнинг бир чеккаси элас-элас қуриб турибди, лекин шумкин, дея иккиландим. Узоқ вақт майдондан кета олмадим. Ва ниҳоят шамол эсиб, байроғимиз хилпирлади. Парижда Ўзбекистон байроғи... Ғурур ва ҳаяжондан ўзимни йўқотиб қўй деганман..."

Олимнинг ўз ҳаётидан, сафарларидан, одамлар билан қилган мулоқотларидан, ўқиб-оқиланганларидан чиқарган хулосалари ниҳоятда ҳаётий. Улар ўқувчини ишонттиради ва муаллифга ҳурматни оширади.

Темур Ширинов ўз китобида форшликларнинг, уруғларнинг илдизларини топиш баҳонасида халқимизнинг узоқ тарихига, катта кўнчилиги, қабилалар силмиши, жойларда қарор топиши, оқибатда миллатларнинг ва давлатларнинг юзага келиши оламига саёҳат уюштириди, ўқувчининг қўлидан ушлаб, олис замонларга олиб кетади, тасаввурини тарихимиз, ўтмишимиз ҳақидаги янгиликлар билан бойити. Бу тарихимизга янгиқа назар билан қарашнинг қўрилиши, айниқса, ёшларимизга катта наф беради. Бу ёшлар учун ибрат китобидир.

Иккинчидан, бундай асарлар, ҳужжатли хотиралар, аниқ фактларга суяниб ёзилган китоблар йигирма-йигирма биринчи асрларнинг расмий тарихини яратётган тарихшунослар учун ҳам фойдали, муҳим манба вазифасини бажара олади.

"Умид ила... интилдим" шунчаки хотира китоби эмас, у бир оила аждодлари тарихини ифода этибгина қолмай, балки ўзбек олимлари ютуқларини оламга қўз-қўзлайдиган асар ҳам.

Муаллиф китобнинг сўнгги бетигади шеърда дунёни билмоққа интилганини, умид ила билмига, ёрга, бахтга, йимғона интилганини фахр билан ёзади. Чиндан ҳам, инсон умид билан яшайди бу дунёда.

Мен бугунги ёшларимизга, айниқса, ҳаёт сўқмоқларининг бошида турганларга мазкур "Умид ила... интилдим" мемуарини ўқини тавсия қиламан. Сиз оддий бир инсоннинг тақдир йўллари кўзатасиз, шахс сифатида шаклланиш жараёнларининг, сабр-тоқатларининг гувоҳи бўласиз. Сўзсиз ўз тақдирингизни қиёслаб кураасиз, ҳавасингиз ошади. Амминан, сиз ҳам ушбу китобдан ибрат олиб миллатимизга, Ватанимизга хизмат қила оладиган инсон бўлишга интиласиз. Китобда мадҳ этилган ўзбекистон бир орзу-ҳавас йўллари ҳар бирингизни олға чорлашга асло шубҳа йўқ.

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, суд фахрийси Қўрамон Улжаева турмуш ўртоғи **Мавсума УЛЖАЕВАН**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул.

### Экологик муаммоларга қарши курашнинг жажжи иштирокчилари

Мамлакатимизда "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсишни таъминлаш дастурини амалга оширишда инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида таълим ташкилотларининг тегишли ўқув режасига "яшил" иқтисодиёт мавзусини киритиш кўзда тутилган. Бунда тегишли таълим муассасаларида ўқувчиларга мавжуд фанлар доирасида "яшил" иқтисодиёт амалиёти ва тамойилига оид мавзулар ҳам ўқилади.

Шу асосда юртимизда экология фаоллари ва "Eco-schools Uzbekistan" лойиҳаси аъзолари томонидан Миллий стратегия ташаб-

Ёшлар стратегиясининг асосий мақсадлари "яшил" таълимни ривожлантириш бўйича миллий сиёсат ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, турли манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида "яшил" жамиятни яратилган иборат. Шунингдек, сифатли экологик таълимнинг узлуксизлик, фанлараролик, фундаменталлик, мураккаблик каби бирламчи тамойиллари "яшил" таълим тизими ва барқарор ривожланиш учун асос яратлади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида иқлим ўзгаришига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, "яшил" иқтисодиётга ўтиш, Орол фойҳасининг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ иштирокчи чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан Жаҳон экологик хартиясини ишлаб чиқиш гоёси илгари сурилди.

Яқинда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонга иқлим ўзгаришига қарши кураш учун ажратилган грант маблағлари ҳам барқарор келажакка кўмаклашиш ва глобал экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг фаол иштирокчи таъминлашга хизмат қилади.

### Инсонпарварлик тамойиллари

2022 йилнинг ўрталарида бўлиб ўтган БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг 91-сессиясида Ўзбекистоннинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қондаларини бажариши юзасидан Бешинчи даврий ҳисоботи кўриб чиқилди. Сессияда Ўзбекистонда Конвенция қондаларининг моддама-модда амалга оширилиши, миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, жамиятда болалар мавқеини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар, мамлакатимизда ёш авлодини ҳимоя қилишнинг миллий механизми яратилгани ҳақида маълумот берилди.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон учун доим устувор мақсадлардан бири бўлган. Ўтказилган конституциявий ислохотлар доирасида мамлакатимиз Асосий Қонунига болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги илғор нормалар киритилди. Янгилашган Конституциямизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлат мажбуриятлари кенгайтирилди.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар "Боланинг энг яхши манфаатлари" тамойилини ҳаётга жорий қилишга қаратилмоқда.

Эндиликда болаларни 13 ёшдан жиний жавобгарликка тортиш бекор қилиниб, бу 14 ёш эътиб белгиланди. Воёга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда педагог билан бир қаторда, психолог ҳам қатнашиши кўрсатилди.

2023 йил 11 апрелда қонунчиликка ўзгаришлар киритилиб, воёга етмаганларга нисбатан жинсий ўзравонлик содир этган шахсларга жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тарихисидати инсонпарварлик актилари татбиқ этилмаслиги белгила-ниб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

Мухтасар айтганда, бола ҳуқуқлари кафолатларини янада тақомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизда инсон қадри эътирофи, навқирон авлодга юксак ғамхўрлик ифодасидир.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

эртанги кунини, ҳаётини хавф остига қўймоқда. Шунинг учун бутун дунёда болалар соғлом ва хавфсиз улгайишларини таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1954 йилда махсус резолюция ишлаб чиқилди ва 1956 йилдан бошлаб 20 ноябрь — Бутунжаҳон бола кунини, деб эълон қилинди. 1959 йилда эса Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Декларация, 1989 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция қабул қилиниб, 96 давлат томонидан ратификация қилинди. БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга биноан аъзо давлатларнинг мажбуриятларини ҳар томонлама ифода этиш орқали эртаниш эгаларининг яхши яшashi, ҳар томонлама ривожланиши, тоза, соғлом ва барқарор муҳитга бўлган ҳуқуқини бевосита тасдиқлади.

### Умуминсоний қадриятлар

#### Болажон Ўзбекистон

БМТга аъзо давлатлар томонидан Бутунжаҳон бола кунининг нишонланиши табиати асраш, бутун дунё болалари учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш борасидаги саяёҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган давлатлар атроф-муҳитга зарар етказувчи манбалар, қазилма бойликлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечишни ташкил этишга чақирилган. Шунингдек, экологик қарорлар қабул қилишда болаларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш зарурлиги, бу борада экологик таълимнинг аҳамияти таъкидланган.

Ушбу давлатлар ўтган йиллар давомида қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш, ҳаво сифатини яхшилаш ва тоза сувдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва балкичиликда соғлом ва барқарор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, озиқ-овқат ва биологик хилмаҳилликни ҳимоя қилиш борасида берилган тавсия ва қўлланмалар асосида иш олиб бормоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга 1992 йил 9 декабрда аъзо бўлган Ўзбекистон ушбу ҳужжат талабларига қатъий риоя этиб келмоқда. Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, соғлигини мустақамлаш давлат сиёсатининг муҳим бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда болалар айнан таълим-тарбия оладиган оила, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларига эътибор давлат сиёсатининг бош масаласига айланди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Уларнинг мазмун-моҳиятини бола ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги миллий ва умуминсоний гоёлар ташкил этади.

#### Аянчли тақдирлар, бегуноҳ жабрдийдалар

БМТ расмий сайтыдаги маълумотларга кўра, дунёдаги ҳар бешинчи бола ўта қашшоқликда яшайди. Кунига икки доллардан кам даромад топадиган бир миллиардга яқин инсонларнинг тенг ярми болаларга тўғри келади.

Бутун дунёда иқлим инқирози учун энг кам жавобгар ва унинг оқибатларидан энг кўп жабр кўрадиган болалар тоифаси ҳисобланади. Ҳар йили беш ёшгача бўлган 1,7 миллион бола атроф-муҳитнинг олдини олиш мумкин бўлган зараридан вафот этади. Ифлосланган ҳаво ҳар йили 600 миңдан зиёд болаларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Юз миллионлаб бола хавфсиз ичимлик суви ва тўйиб оватланиш имкониятидан баҳраманд бўла олмапти. Дунё болалари ўзининг ривожланиш жараёнларига зиён етказаятган ва ҳаётига зомин бўлаётган кўроғошин ва симоб каби токсик кимёвий моддалар таъсирига тушиб қолмоқда.

Тадиқотларга қараганда, сўнгги ярим асрдан кўпроқ ўтган вақт мобайнида аномал иссиқлик тўлкини 7 марта, ўрмон ёнғинлари икки баробар, курғоқчилик қарийб уч баробар кўпайган. Қисқача айтганда, болалар иқлим ўзгаришларининг

бегуноҳ қурбонларига айланмоқда. Тўйиб оватланмаслик туфайли ҳар йили 150 миллион нафарга яқин бола жисмоний ногиронликка гирифторм бўлмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида таълим соҳасида эришилган сезиларли

бий оқибатлари учун жавобгар бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган давлатлардан БМТ кўмитасига болаларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ютуқла-



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

ютуқларга қарамай, Ер юзидати 175 миллиондан ортиқ бола мактабгача таълимдан маҳрум. Қуролли можаролар, уруш хавфи ва болалар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида 200 миллионга яқин бола экология ва атроф-муҳит билан боғлиқ турли таҳдидлардан азият чекмоқда.

Хозирги кунда дунёдаги 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 153 миллионга яқин болалар меҳнат қилишга мажбуранлаётгани ўта ташвишли ҳол. Гарчи кўпчилик ривожланган давлатларда болалар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилинаётганига қарамай, ақсарият қолақ давлатларда болаларнинг оғир ҳаёти, уларнинг аянчли тақдир бу борада хал этилиши лозим бўлган ўта муҳим муаммолар ҳали-бери тугамаганини аналтади.

#### Ҳар бир давлат дахлдор ва масъул

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси Германиядаги "Terre des Hommes" компанияси билан биргаликда ишлаб чиқилган "Иқлим ўзгариши масаласига алоҳида эътибор қаратган ҳолда болалар ҳуқуқи ва атроф-муҳит тўғрисидаги 26-сонли умумий тартиб шарҳи" номли йўриқномада келтирилишича, давлатлар болаларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри зарарлардан ҳимоя қилиш учунгина эмас, балки зарарли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида уларнинг ҳуқуқлари бузилишига ҳам жавобгар.

Ҳужжатни ишлаб чиқишда 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган 12 нафар болалар маслаҳатчисидан иборат гуруҳ қатнашди. БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳам маслаҳатлашув жараёни орқали бун дунё бўйлаб болаларнинг фикрларини тўлашга ёрдам берди. Ушбу ҳужжатда давлатлар нафақат ўз чегаралари доирасида, балки ўз чегараларидан ташқарида ҳам атроф-муҳитга етказилган зарар ва иқлим ўзгаришининг сал-

“Бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон учун доим устувор мақсадлардан бири бўлган. Ўтказилган конституциявий ислохотлар доирасида мамлакатимиз Асосий Қонунига болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги илғор нормалар киритилди. Янгилашган Конституциямизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлат мажбуриятлари кенгайтирилди.”

ри ҳақида вақти-вақти билан ҳисобот беришлари талаб этилди.

26-шарҳ Париж келишуви бўйича давлатларнинг иқлим ўзгаришларига қарши курашда болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, илгари суриш ва ҳисобга олиш мажбуриятини тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, у бола ҳуқуқларига таъсирини ҳисобга олиш атроф-муҳитга оид барча қонун ҳужжатлари, стратегия ва лойиҳалар, қондалар, бюджет ёки бошқа қарорларга нисбатан амалга оширилиши кераклигини аниқ кўрсатиб беради.

ЮНИСЕФнинг болалар ҳуқуқлари ва иқлим бўйича махсус маслаҳатчиси Палома Эскудеронинг таъкидлашича, иқлим соҳаси бўйича молиялаштириш сиёсатида болаларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик давом этмоқда, табиийки, бу навқирон авлод келажаги учун гоят хатарли. Бундай шароитда сайёрамиздаги ҳар бир давлат иқлим ўзгаришига, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини, хавфсиз сув ва соғлом атроф-муҳитини таъминлаш каби чора-тадбирларга устувор аҳамият бериши мақсадга мувофиқ. Барча давлат бу муаммога энг кам ҳисса қўшаётган, лекин хавфли сув тошқинлари, курғоқчилик ва бўронлардан азият чекаётган мамлакатларда яшовчи ўғил-

буси илгари сурилди. Мактабгача ва мактаб таълими, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликлари томонидан Ўзбекистон барқарор ривожланиш маданиятини юксалтириш ва иқлим масалалари бўйича кун тартибига ёшларни жалб қилиш бўйича миллий стратегия ҳамда йўл харитаси қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашда болалар ва ёшларнинг иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамададенинг таъкидлашича, ушбу ҳужжатни гарчанд вазирлар имзолаган бўлса-да, уни ишлаб чиқишда болаларнинг ўзи ҳам қатнашган. Шу маънода, ушбу стратегия навқирон авлодининг иқлим ўзгаришига қарши курашдаги ролини эътироф этади, соҳадар фаол иштирокини таъминлайди. Уларни ўқув жараёнида иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва мавжуд муаммоларга ечим излашга йўналтиради. Қисқача айтганда, ушбу стратегия болалар ва ёшлар учун жамият фаровонлиги, барқарорлигига ҳисса қўшадиган истикболли ривожланиш қўлланмаси бўлади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов, Мусаҳҳачи — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзил: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.45 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6